

I



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

2021 йил «16» ноябр

201-10-0-F/21

Тошкент вилояти ҳокимилиги

Карлар жамиятининг вилоят идорасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5270-сон Фармонида мувофиқ олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари томонидан билдирилган таклифни инобатга олиб:

1. Вилоят маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан Карлар жамиятининг вилоят идораси фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида жамиятни қўллаб-қувватлаш учун вилоят ҳокимлигига 138 900,0 (бир юз ўттиз саккиз миллион тўққиз юз) минг сўм маблағ ажратилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси (О.Халикулов) маблағ ажратиш бўйича тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

3. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (Ш.Алибеков) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (А.Михманов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда Карлар жамиятининг тегишли ҳисоб-рақамига ўтказилишини таъминласин.

5. Карлар жамиятининг Тошкент вилояти идораси вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказиб берилган маблағни мақсадли ва самарали сарфланишини

таъминласин.

6. Вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Худайбердиев) ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

7. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Файзиев ва вилоят ҳокими ўринбосари З.Хидоятов зиммасига юклансин.

Тошкент вилояти ҳокими



Д. Хидоятов